

# МУГАЛЛИМ ҲАМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

*А. Тилеженов*

**Редакция аъзалары:**

Мақсат АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Гулбахар АБЫЛОВА  
Өсербай ӨЛЕҮОВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Гулнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДНОВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулурухсор ЭРТАШЕВА

**Шўлкемлестириўшилер:**

Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириў  
Министрлиги, ӨЗПНИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы

Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гуўалық  
берилген.

Мәзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00

e-mail: [uzniipnkkf@mail.uz](mailto:uzniipnkkf@mail.uz),  
[mugallim-pednauk@mail.uz](mailto:mugallim-pednauk@mail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим ҳәм узликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп корсетилиўи шэрт. Журналға 5-6 бет қвлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

## МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

|                                                                                                                                      |       |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>G'anibayeva B., Abduraxmanov M. Tilimizdagi omonim so'zlarning ahamiyati va tahlili</i> .....                                     | 4-8   |
| <i>Юсупова Ф.М. Рус тили фани ўқитувчисиди маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари</i> ..... | 8-15  |
| <i>Нарманов А.Х. Болалар нутқини ривожлантириши илмий-педагогик муаммо сифатида</i> .....                                            | 15-19 |

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                 |       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Ботирова Ш.И. Принцип социального партнерства в преподавании инновационного кластера педагогического образования</i> .....                   | 20-23 |
| <i>Tashtemirova S.A., Tashtemirov R.A. Pedagogical approaches in education and their importance</i> .....                                       | 24-30 |
| <i>Жабборов О.М. “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий хужжатлар</i> .....                                                                          | 30-36 |
| <i>Дусчанова Н.С. Шахсга йўналтирилган ёндашув афзалликлари</i> .....                                                                           | 36-42 |
| <i>Azimov D.G'. Imkoniyati cheklangan bolalarni o'qitish va tarbiyalashda musiqaning motivatsion va didaktik imkoniyatlari</i> .....            | 42-47 |
| <i>Tashpo'latova D. Integratsiya asosida ta'lim samaradorligini oshirish usullari</i> .....                                                     | 47-52 |
| <i>Raxmonov N.B. Inson hayoti xavfsizligini ta'minlash masalasida pedagogik ta'lim-tarbiya zarurati</i> .....                                   | 52-58 |
| <i>Kurbanova F.K. Chet tilini o'qitish sharoitida bo'lajak o'qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari</i> ..... | 58-66 |
| <i>Shaymatov J.N. Ofitser-o'qituvchining kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash</i> .....    | 66-72 |
| <i>Eshqoraev Q.A. Masofaviy ta'lim modellari va uning xususiyatlari</i> .....                                                                   | 72-78 |

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

|                                                                                                                                |       |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Талабаларга Ал-ҳаким ат-Термизийнинг илмий-педагогик меросини ўргатиши замон талаби</i> ..... | 79-85 |
| <i>Ахмадҷонов Д.Б. Герменевтик ёндашув асосида бағрикенглик компетенциясини ривожлантириши</i> .....                           | 85-89 |

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

|                                                                                 |       |
|---------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Исмаилов А.А. Роль мультимедийных технологий в преподавании физики</i> ..... | 90-94 |
|---------------------------------------------------------------------------------|-------|

## БАСЛАЎШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

|                                                                                          |       |
|------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Эшманова Н. Бошланғич синф ўқувчиларида ёзма нутқни такомиллаштириши тизими</i> ..... | 95-99 |
|------------------------------------------------------------------------------------------|-------|

## ФИЗИКАЛЫҚ ТАРБИЯ ҲАМ СПОРТ

|                                                                                                                       |         |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| <i>Мардонов Ш.Қ., Абдувайитова Д. Ўсмирларда спорт эстетикасига оид тасаввур ва қизиқишларини шакллантириши</i> ..... | 100-106 |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

### ЎСМИРЛАРДА СПОРТ ЭСТЕТИКАСИГА ОИД ТАСАВВУР ВА ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Мардонов Ш.Қ.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, п.ф.д.*

*Абдувайитова Д.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси*

**Таянч сўзлар:** тафаккур, англаш, эътибор, ҳаёл суриш, хотира, ақлий фаоллик, кичик мактаб ёшли ўқувчилар, психикасининг бойиши.

**Ключевые слова:** мышление, восприятие, внимание, память, воображение, умственная активность, младшие школьники, обогащение психики

**Keywords:** thinking, perception, attention, memory, imagination, mental activity, primary school students, mental enrichment

Баркамол шахсни тарбиялашнинг таркибий қисмларидан бири жисмоний тарбия жараёнида ўсмирларни эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган ўқувчиларни (ўсмирларни) эстетик тарбиялаш айнан мана шу тизимнинг муҳим компоненти саналади. Бунда барча таълимий ва тарбиявий воситалар узвийликда қўлланилади. Жумладан, жисмоний тарбия дарслари ҳамда синфдан ташқари машғулотларда ўсмирларни спорт эстетикаси воситасида эстетик тарбиялаш бир қатор таълимий ва тарбиявий сифатларни шакллантиришни тақозо қилади. Булар орасида спорт эстетикаси назарияси ва тарихини мантикий жиҳатдан тўғри идрок этиш; профессионал спортдаги чиқишларни тўғри тушуниш ва ундаги эстетик жиҳатларни (спорт эстетикасини) тўғри таҳлил ва талқин этиш, спортга, жисмоний тарбияга бағишланган фаолиятнинг ҳар қандай (ижодий, коммуникатив, ижтимоий фаолият) туридаги тушунча, тасаввур, таассуротлар; спорт тўғрақлари, шўъбалари ва бошқаларда шахсан иштирок этиш эҳтиёжининг шаклланганлиги; спорт эстетикасига оид айрим элементларни, уларнинг умумий машқлар, яхлит чиқишларнинг бажарилиш эстетикаси каби ҳолатларни онгли тарзда кузатиб бориш ва уларни шахсий камолотга сафарбар қила олиш алоҳида аҳамиятга молик. Бунинг учун ўқувчилар, улар билан тарбиявий ишлар олиб бораётган мураббийлар эстетик тарбияга оид билимлар интеграцияси билан қуролланган бўлишлари талаб

этилади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда эстетик тарбия масалаларини педагогик назария ва амалиётдаги ахволини ўрганиш ва ундан келиб чиққан хулосаларни мазкур ишимизда намоён этишни лозим деб топдик.

Ўзбекистан тарихида эстетик тарбия масаласига ҳар доим ҳам алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қараб келинган. Маълумки, ўзбек халқининг ўз турмуш тарзини маданийлаштиришга бўлган интилиши унинг тарихида, хусусан, амалий ва тасвирий санъат тарихида ўз аксини топган. Бу санъат турмушнинг функцияларида унинг эстетикасида - инсонлар ҳаётининг гўзал бўлишига хизмат қилиши даставвал бош мезон сифатида намоён бўлган. Шу тариқа улар бир пайтнинг ўзида санъат асари сифатида одамларга эстетик таъсир кўрсатиб келган.

Ўзбекистонда “ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялаш масаласи XX асрнинг 70-80 йилларида сезиларли даражада ижобий натижаларга эришганини эътироф этиш мумкин. Шу даврларда ҳар икки йилда бир марта республика миқёсида эстетик тарбия муаммосига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиш анъанага айланган эди. Унда эстетик тарбиянинг барча омиллари, жумладан, жисмоний тарбия воситасида эстетик тарбиялаш масалалари ҳам муҳокама қилиб борилад эди.

Муаммонинг педагогик назариядаги ахволини ўрганиш ва таҳлил қилишда бу борада фундаментал тадқиқотларнинг анчагина эканини кўрдик. Жумладан, Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялаш тизимини шаклланиши ва ривожланиши (С.Х.Файзулина томонидан); бу жараёнда қадимий бадиий-эстетик анъаналардан фойдаланишнинг педагогик асослари (С.К.Аннамуратова томонидан) каби масалаларнинг очиб берилиши ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия воситасида эстетик тарбиялаш масаласида ҳам қатор йўналишларни очиб берди.

Мамлакатимизда ўқувчиларни эстетик тарбиялаш муаммоларини тадқиқ этишга оид олиб борилган изланишлар унинг айнан синфдан ташқари шаклларида қаратилганлиги жисмоний тарбиядан синфдан ташқари машғулотларда эстетик тарбиялаш ишларининг мазмуни, усуллари, шакли, воситалари хусусида муайян тавсияларни беради. Мусиқа маданияти (А.Ҳасанов, Ф.Жўраев), тасвирий ва амалий санъат (А.Восиқов, А.Сулаймонов, К.Досимов)дан тўғарак машғулотларида ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялаш бўйича бажарилган ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти билан республикаимизда мазкур йўналишдаги ишларнинг сезиларли даражада жонланишини таъминлайди. Айни пайтда ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий муассасаларда эстетик тарбиялаш масаласи бўйича мамлакатимиздан ташқарида ўтказилган тадқиқотлардан (А.И.Шахова, И.Ф.Гончаров, Л.Сахаров, Т.Б.Фридман) ҳам таҳлилий

хулосалар чиқариш ва улардан республикамиз ўқувчи-ёшларини эстетик тарбиялашда фойдаланиш мумкин. Бироқ синфдан ташқари таълим ва тарбия шакллари, йўналишлари ичида энг самаралиларидан бири бўлишига қарамай, жисмоний тарбия машғулотларининг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланилмапти.

Синфдан ташқари машғулотлар жараёнида жисмоний тарбия бўйича ўсмирларни эстетик тарбиялашда амал қилиниши қатъий талаб қилинадиган бир қатор жиҳатлар жорий этилиши мумкин. Бошқа мамлакатларда, хусусан, Польша, Россия ва Чехияда айнан жисмоний тарбия воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш массаласида муайян тадқиқотлар мавжуд. Улар орасида тренер билан тарбия ҳақида суҳбат, гўзалликка ошно бўлиш (Жисмоний тарбия дарсларида эстетик тарбиялаш Н.Е.Шчуркова), жисмоний соғломлаштириш ишлари (В.К.Шурухина)га бағишланган ишларни кўрсатишимиз мумкин.

Ўсмирларни жисмоний машғулотлар жараёнида эстетик тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор берилади, чунки ўсмирлик ёши ғоятда мураккаб ва ҳатто ижтимоий жиҳатдан бир қадар бетакрор бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирларга нисбатан индивидуал (якка тартибда) ва табақалаштирилган ёндашув талаб қилинади. Ўсмирларни эстетик тарбиялашнинг аҳамияти муттасил ортиб бормоқда. Чунки спортни эстетик баҳолаш жисмоний тарбия воситасида шакллантириладиган ва муносабатнинг сабаблари ва регуляторлари сифатида зарурий омилдир. Жисмоний тарбия, шунингдек, қимматли эстетик йўналишларни шакллантиришга ёрдам беради, эстетик-ижодий қобилиятни ривожлантиради, жисмоний тарбия ва спорт, уларга бағишланган фаолият билан шуғулланишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжни фаоллаштиради.

Спорт билан жисмоний тарбиялаш вазифаси мазкур тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини, шунингдек, унинг ахлоқий ва жисмоний тарбия билан алоқасини аниқлаб беради. Шу сабаб эстетик тарбияда ўсмирларнинг бир-бирлари билан, катталар (ўқитувчилар, тренерлар, ота-оналар, атрофдагилар) билан ўзаро муносабатлари ҳам бошқариб борилади. Ана шу жараёнда ўсмирларнинг маънавий дунёси ривожланади, атроф-муҳитга бўлган объектив муносабати таркиб топади.

Спорт - ўзининг барча турлари билан эстетик тарбия учун бебаҳо материалларни намоён этади. Чунки унда профессионал маҳорат, очик эҳтиросли туйғу, шодлик ҳамда завқланишни келтириб чиқарувчи эстетик жараёнлар мавжуд. Ўсмирлар шахсига эстетик таассуротлар ижобий таъсир этиши учун спорт эстетикасига уларнинг онгли қизиқиши зарур, бу тегишли шароитларда яхлит жисмоний маданиятга айланади.

Жисмоний тарбия билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият, ушбу маданият тўғрисида кутаринки эҳтирос, англаб етилган қизиқиш, муайян билим, тушунча ва тасаввурларга асосланган мураккаб жараёндир, энг муҳими - қизиқишни таъсирчан қилиш, уни интилишга, қизиқишлар маркази бўлиб қолган фаолият билан шуғулланишга мойилликка айлантиришдан иборатдир. Қизқарли тарихий спорт материаллари, спорт ҳаётидан ёрқин манзаралар, спорт мавзусидаги таассурот қолдирадиган санъат асарлари, воқеаларини қамраб олувчи калейдоскоп, машҳур спортчилар ҳаёти ва ижоди ўқувчи-ёшларда шундай қизиқишни уйғота олади. Ушбу мавзудаги қизқарли материаллар ўсмирларнинг спорт эстетикасига бўлган қизиқишнинг манбаи бўлиши мумкин.

Жисмоний тарбия дарслари ҳамда синфдан ташқари машғулотларда ўсмирларни эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидан яна бири уларда спорт эстетикасига қизиқишни эҳтиёж даражасигача кўтаришдир. Шу билан бирга ўсмирлар ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларини қамраб олиш учун маънавий-эстетик ва, албатта, жисмоний қобилиятни ривожлантириш имкониятлари берилиши лозим. Зеро, жисмоний тарбия воситасида эстетик тарбиялаш бир ёқламаликни эмас, балки баркамолликни шакллантиришга қаратилган барча омилларни ишга солишни назарда тутди.

Спорт эстетикасига қизиқини таркиб топтириш бир қатор омилларнинг - фон, муҳит, билиш-англаш, материални ўсмирлар шахсининг когнитив-билиш соҳасига таъсир этиши, биринчи навбатда, ижтимоий-шахсий йуналтирилганлигининг мотивацион таъсир этишини талаб этади.

Спорт эстетикасига билан қизқши спортнинг исталган турида спорт эстетикасини идрок этиш ва баҳолаш, эстетик ифода элементлари бўйича машқлар, ҳаракатлар бажариш, эгалланган кўникма ва малакаларни қўллаш билан фаоллаштирилади. Бу ерда иштиёқ муайян психологик-педагогик таъсир остида пайдо бўлган қизиқиш сифатида фаоллашади ва барқарорлашади.

Қизиқишни маъно, психологик ва ижтимоий тушунча сифатида кўриб чиқиш, унинг хусусиятлари, мазмуни ва тавсифи, турлари ҳамда функционаллигини ўрганиш асосида спорт эстетикасига нисбатан тавсифни шакллантириш мумкин. Бу спортга яхлит ҳолда, жумладан, эстетик қизиқиш объекти янада чуқурроқ ўзлаштиришга, ўзини намоён этишга, қарор топтиришга - бундан қувонч ва роҳат қилишга (ҳиссий-ижтимоий ўзини намоён этиш) бўлган ташкилий-иродавий интилишдир.

Жисмоний машғулотларда, танлаган спорт турларида эгаллаган маҳорати – спорт бўйича билим, кўникма ва малакаларни янада оширишга бўлган эҳтиёж ва қобилиятнинг мавжудлиги ҳам шахсни ўзининг ташқи

гўзаллигини оширишга бўлган онгли муносабати ва фаолияти спорт эстетикасининг таснифи тариқасида талқин этилиши мумкин. Шу тариқа спорт эстетикасига қизиқишнинг асосий кўрсаткичлари аниқланди: ижобий, ижтимоий-шахсий сабаб; топа олиш-билиш; баҳоловчи-йўналтирилган; эҳтиёжли-фаолиятли.

Спорт эстетикасига бўлган бундай қизиқиш - ўсмирларнинг нафақат жисмоний маданияти, балки умумий маданиятини ҳам ривожлантириш учун муҳимдир. Спорт эстетикасига қизиқиш кўрсатилган кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, усулларини қараб чиқиш, ўсмирларни машғулотлар, лавҳалар, қизиқиш ва қобилпояга оид топшириқларнинг вариатлари билан таништириш ва фаоллаштаридан иборат. Бунда аниқ мазмунли, ахборотларга бой бўлган ишонтирувчи суҳбат ҳамда эса қоладиган кўргазмали-расмли (иллюстрацияли) материал муҳим аҳамиятга эга.

Ўсмирларда спорт эстетикасига қизиқишни фаоллаштирадиган суҳбатга шундай талаблар қўйилади: ёшга мувофиқлик; жозибалик; билиш-англаш имконияти - эстетик ифодали, кўргазмали-расмли, юқори сифатли материаллар илова қилинган, замонавий ахборотларни қамраб олган ёрқин, унитилмас мазмун; аниқ қўйилган мақсад ҳамда тушунтирилган вазифали суҳбат, муҳими - муайян далиллар билан баён этиш; ўсмирларнинг самимий ва миссий мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаш; қулай (шинам) муҳит; ўсмирларга нисбатан шахсий яқка тартибда ёндашувга риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Спорт эстетикасини санъат билан боғлаш ғоятда самарали натижа беради. Чунки, спорт билан санъат ўз хусусиятларига кўра бир-бири билан узвий алоқадор бўлади. Бу алоқадорликни санъатнинг турли кўринишларида кузатиш мумкин: театр (сахна) пластикаси, атлетизм (балет); жасурлик жихатидан ўта гўзал ва мураккаб акробатика (цирк санъати) ва ҳоказоларда. Айни пайтда спорт мавзусини театр, кино, тасвирий санъатда тасвирий сюжет сифатида тасвирланиши спорт ва санъатнинг чамбарчас боғлиқлигини англатади. Уларни умумлашган ҳолда спорт эстетикаси деб таърифлаш мумкин.

Спортдаги гўзалликни ҳис этиш унга бўлган қизиқишни мустаҳкамлайди, спортдаги гўзалликни идрок этиш эса уни янада тушунарли ва барқарор қилади. Спорт эстетикасига қизиқишни мураккаб методлар, оригинал усуллар, турли хил воситалар фаоллаштиради ва улар, агар дарсларни синфдан ташқари машғулотлар билан ўзаро боғланишига кўмак берса, табиийки, муайян мақсадли ва мазмунли яхлит тизимни шакллантиради. Бу эстетик тарбиянинг энг самарали шаклларида бири саналади.

Қизиқиш - эстетик тарбиянинг асосий компоненти. У махсус таълимий ва тарбиявий воситалар ёрдамида фаоллаштирилади ва доимий қўллаб-қувватланади. Шундагина, ўсмирларнинг спорт эстетикасига бўлган қизиқиши асосида эстетик тарбия ўзининг юқори даражасига етади. Қизиқиш ушбу жараёнда ўсмирлар шахсидаги энг муҳим асосни таъминлайди: маданият, фикрлаш дунёси, жумладан спорт эстетикаси; эстетик идрок этишнинг тезлиги, спорт гўзаллиги, аналитик қобилият ва умуман, айниқса спортдаги қимматли йўналишлар; ижодий қобилият; коммуникатив эҳтиёж; жисмоний камолотга талаб ҳамда мустақил ўқиш ва энг муҳими улар маънавий оламни бойитади, натижада ҳар томонлама ривожланиш юз беради, бўш вақт ёқимли ва фойдали ўтади, бу эса, жамиятимиз, мамлакатимиз, ҳукуматимизнинг ижтимоий буюртмаси ҳисобланади.

Муаммонинг ижтимоий характер касб этишини яна қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин. Таъкидлаганимиздек, жисмоний маданият, айнан маданият, яъни гўзал қоматни таркиб топтириш, мукаммал шахс тарбиясининг асосий шартларидан бири бўлиб келган. Жамиятнинг ўз аъзоларига бўлган бундай талаби ҳозирги кунда ҳам ўз ижтимоий кучини йўқотган эмас. Демак, жисмоний машқлар воситасида эстетик маданиятга инталиш кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларида кузатилиб келинади. Айнан мана шу жиҳат уни ижтимоий ҳодиса эканлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида айнан шу босқичга мос ва хос ижтимоий буюртма берилади. Бу буюртманинг “бажарувчиси”, талаб этилган шахсни тарбиялаш билан эса педагогика фани шуғулланади.

Ҳар қандай жамиятнинг, мамлакатнинг ривожига унинг баркамол аъзолари ҳал қилувчи роль ўйнаган, Бу борада спорт ва санъат ўзгача аҳамият касб этади. Уларнинг бир-бири билан туташ нукталарида спорт эстетикаси элементлари таркиб топиб боради.

Мамлакатни, хусусая мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини оширишда фан ва техника, ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари билан бир қаторда маданият, санъат ва спортнинг ўрни ва нуфузи алоҳида ажралиб туради. Шу боис ўқувчи-ёшларда, айниқса ўсмир ёшидаги ўқувчиларда спортга бўлган қизиқиш кескин ошиб бормоқда. Бу қизиқишни тарбиянинг муҳим воситаси сифатида унинг мазмуни ва йўналишини бойитиш, унинг негизида жисмоний камолот билан бир қаторда эстетик тарбия ҳам ётишига эришиш, унда спорт эстетикаси кўрсаткичларидан оқилона фойдаланиш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида махсус тадқиқот ўтказишни талаб этади ҳамда ижтимоий педагогик муаммо сифатида мунтазамлик касб этади. Зеро, жамият, инсоният тинимсиз тараққиётда



бўлганлиги боис унинг ҳар бир босқичи учун педагогика фани янги муаммоларни ҳал этишда давом этаверади. Жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда ўсмирларни эстетик тарбиялаш ҳам ижтимоий-педагогик муаммолар тизимининг таркибий қисмидир. Зеро, баркамол шахс тарбиясида мана шу тизим, мажмуа элементларининг ҳар бирининг ўз ўрни бор.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада кичик мактаб ёшидаги болаларнинг онги, идроки, эътибори, дунёни англаши, шунингдек, таъсирчанлик, сезгирлик кабиларнинг ўқувчи ақлий фаолиятига таъсири ҳамда уларнинг ўқувчи психикасини ривожлантириши ва бойитиши тўғрисида фикр юритилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье речь идет об особенностях мышления, восприятия, внимания, памяти, воображения младших школьников, а также особенностях внушаемости, впечатлительности, направленности умственной активности младших школьников на повторение, внутреннее принятие, создание подходящих условий для развития и обогащения психики.

#### **SUMMARY**

The article deals with the peculiarities of thinking, perception, attention, memory, imagination of younger schoolchildren, as well as the peculiarities of suggestibility, impressionability, orientation of mental activity of younger schoolchildren to repetition, internal acceptance, creation of suitable conditions for the development and enrichment of the psyche.